



Савол:

Кандай ҳолатларда пешин намози билан аср намози ёки шом намози билан хуфтон намози кўшиб ўкилади?

Жавоб:

Намозларни жамлаш учун сабаб лозим. Сабабларнинг баъзилари: сафарда бўлиш (яъни, кўзланган манзилга етиб бориш асносида), ўта ёмғирли кун ёки каттик совук бўлса, ҳаж кунлари Арафот ва Муздалифада. Шундай ҳолатларда пешин билан асрни, шом билан хуфтанни жамлаб ўкилади. Жамлаб ўкилганда каср килинмайди, агар мусофир бўлса каср килиб жамлаб ўкилади.

Агар хоҳласа пешин вақтида асрни кўшиб, шом вақтида хуфтонни кўшиб ўқийди. Бунга жам такдим дейилади яъни, иккинчи намозни вақтидан илгари ўқиш демакдир. Ёки пешинни кечиктириб аср вақтида асрга кўшиб шомни кечиктириб хуфтонга кўшиб ўқийди. Бунга биринчи намоз вақтидан кеч ўқилгани учун жам таъхир дейилади. Намоз ўқувчи бу иккисидан қайси бирини қилишда ихтиёрлидир.